



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING QARORI

2022 - yil 16 - fevral

131-14-0-Q/22

Toshkent shahar hokimligi

2022 йилда Тошкент шаҳридаги марказий ва ички кўчаларни жорий ва мукаммал таъмирлаш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг манзилли рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси йўл хўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5890-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 февралдаги 49-сонли қарори ижроси, Тошкент шаҳри аҳолисига қулайликлар яратиш, Тошкент шаҳрида жойлашган марказий ва ички кўчаларни ҳамда ободонлаштириш объектларини таъмирлаш, шаҳар кўчаларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, Тошкент шаҳар ҳокимининг қурилиш, коммуникацияларни ривожлантириш, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари мажмуасининг 2022 йил 9 февралдаги 03-143-сонли билдиргиси, Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармасининг 2022 йил 7 февралдаги 1-8/267-сонли мурожаатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Қуйидагилар:

2022 йилда Тошкент шаҳридаги марказий ва ички кўчаларни жорий ва мукаммал таъмирлаш ишларининг ва юқори мартабали меҳмонларнинг ташрифи муносабати билан ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Президенти виртуал қабулхонасига, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ободонлаштириш бош бошқармасига юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган ариза ва шикоятларни бартараф этиш ҳамда шаҳар марказий кўчаларидан фойдаланиш, уларни сақлаш ва таъмирлашга ихтисослаштирилган бошқармасига бошқарма ҳудуди ҳамда марказий ва ички кўчаларни жорий таъмирлаш ишларининг асосий кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

Марказий кўчаларни жорий таъмирлаш ишлари бўйича манзилли рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тасдиқланган иловалардаги ишларни амалга ошириш бўйича:

буюртмачи этиб – Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармаси тизимидаги Шаҳар марказий кўчаларидан фойдаланиш, уларни сақлаш ва таъмирлаш ихтисослаштирилган бошқармаси;

бош лойиҳа ва бош пудратчи ташкилотлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказиладиган танлов (тендер) савдолари натижалари бўйича аниқлансин.

3. Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Умаров):

Юқори мартабали меҳмонларнинг ташрифи муносабати билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ободонлаштириш бош бошқармасига юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган ариза ва шикоятларни бартараф этиш ва йўлларни таъмирлаш ишларининг манзилли рўйхати Тошкент шаҳар ҳокими ва унинг қурилиш, коммуникацияларни ривожлантириш, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари кўрсатмаси асосида амалга оширилсин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Б.Рахмонов) Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Умаров) билан биргаликда:

тасдиқланган манзилли рўйхатларда белгиланган объектларни таъмирлаш ишлари учун талаб этиладиган маблағларнинг ажратилиши

юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига таклиф киритилсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Х.Шакиров), Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев):

тасдиқланган манзилли рўйхатларда белгиланган объектларни таъмирлаш ишлари учун талаб этиладиган маблағларни молиялаштириш манбалари бўйича таклиф киритилсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари (Ш.Рахимджанов), Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Умаров), коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан биргаликда:

уч кун муддатда мазкур қарор иловаларида кўрсатилган манзилларда таъмирлаш ишлари режалаштирилган йўлларнинг ҳамда муҳандислик тармоқларини таъмирлаш бўйича тармоқ жадваллари ишлаб чиқилсин ҳамда тасдиқлаш учун киритилсин;

йўлларнинг қатнов қисмида жойлашган қудуқларни белгиланган баландликда ўрнатилиши таъминлансин;

қудуқлар ва муҳандислик коммуникацияларини таъмирлаш ишлари балансда сақловчи ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан бажарилиши тавсия этилсин.

7. Туман ҳокимликлари:

таъмирлаш ишлари олиб бориладиган йўлларда ноқонуний қурилмаларни қонунда белгиланган тартибда бартараф этиш чоралари кўрилсин;

таъмирлаш ишлари олиб борилаётган манзилларда аҳоли билан тушунтириш ишлари олиб борилсин;

таъмирланган йўлларни сақлаш ишлари доимий назоратга олинсин.

8. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (Р.Жалилов):

Тошкент шаҳридаги марказий кўчаларни жорий ва мукаммал таъмирлаш вақтида автомобиль йўлларида тирбандликлар юзага келишининг олди олинсин ҳамда автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлиги таъминлансин, шунингдек, зарур ҳолларда йўлларни таъмирлаш жараёнида лозим топилса, автомобиллар ҳаракатини вақтинчалик чеклаш чоралари кўрилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Рахмонов зиммасига юклатилсин.

Toshkent shahar hokimi



ARTIKXODJAYEV J. A.

Тошкент шаҳар ҳокимининг
2022 йил 16 февралдаги
131-14-0-Q/22-сон қарорига
1-илова

**2022 йилда Тошкент шаҳридаги марказий кўчаларни жорий таъмирлаш
хамда аҳоли ва маҳалла фаолларининг ариза ва шикоятларини ижобий
ҳал қилиш мақсадида йўлларни жорий таъмирлаш ишларининг асосий
кўрсаткичлари**

№	Туманлар ва бошқармалар	Кўчалар сони	Таъмирланадиган йўл майдони, (кв.м.)	Талаб этиладиган маблағ (млн.сўм)
<i>A</i>	<i>B</i>	<i>C</i>	<i>D</i>	<i>E</i>
	Жами:	75	813 680,0	148 652,2
1	Шаҳар марказий кўчаларини жорий таъмирлаш	75	813 680,0	121 702,2
3	Юқори мартабали меҳмонларнинг ташрифи муносабати билан шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ободонлаштириш бош бошқармасига юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган ариза ва шикоятларни бартараф этиш ва йўлларни таъмирлаш ишларининг манзили рўйхати Тошкент шаҳар ҳокимининг қурилиш, коммуникацияларни ривожлантириш, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари кўрсатмаси асосида амалга ошириш учун			20 000,0

4	Шаҳар марказий кўчаларидан фойдаланиш, уларни сақлаш ва таъмирлаш ихтисослаштирилган бошқармасига бошқарма ҳудуди ҳамда марказий ва ички кўчаларни жорий таъмирлаш ишларига асфальтобетон ва темир бетон маҳсулотлари харид қилиш учун			6 000,0
5	Экспертиза ва бошқа харажатлар учун			950,0

Тошкент шаҳар ҳокимининг
2022 йил 16 февралдаги
131-14-0-Q/22-сон қарорига
2-илова

2022 йилда шаҳар марказий кўчаларини жорий таъмирлаш ишлари бўйича

МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ

№	Тошкент шаҳридаги жорий таъмирланадиган марказий кўчалар номи	Таъмирланадиган йўл ва йўлаклар узунлиги (км)	Таъмирланадиган йўл ва йўлаклар майдони (кв.м.)	Талаб этиладиган маблағ (млн.сўм)
A	B	C	D	E
	Шаҳар бўйича жами:	136,5	813 680,0	122 652,2
	Жами:	136,5	813 680,0	121 702,2
1	Амир Темур шох	3,6	43 000	6 020,0
2	Амир Темур шох йўл ўртасидаги йўлни ажратиб турувчи бетон тўсиқларни алмаштириг, брусчатка териш.	5,70	2 900	2 778,0
3	Алишер Навоий	3,9	97 500	13 650,0
4	Амир Темур хиёбони	1,1	3 200	448,0
5	Абдурауф Фитрат	0,9	3 800	532,0
6	Қораташ (А.Ходжаев)	0,6	1 150	161,0
7	Фидокор (А.Чехов)	0,5	4 800	672,0
8	Абай	0,8	2 700	378,0
9	Афросиёб	0,9	1 100	154,0
10	Аэропорт майдони	1,7	1 500	210,0
11	Беруний	1,0	28 000	3 920,0
12	Бешкайроғоч	4,1	19 500	2 730,0
13	Бобур	1,20	4 200	588,0
14	Боғишамол	5,15	4 800	672,0
15	Бунёдкор шох	3,30	32 300	4 522,0
16	Буюк Ипак Йўли	2,8	8 500	1 190,0
17	Себзор (Г.Гулом)	0,80	2 200	308,0
18	Гавхар	0,90	8 500	1 190,0
19	Дўрмон йули	0,60	1 500	210,0
20	Заргарлик	0,90	8 000	1 120,0
21	Заркайнар	0,97	11 000	1 540,0
22	Зиёлилар	2,30	5 500	770,0
23	Зулфия хоним	1,80	8 500	2 125,0
24	Истикбол	1,45	3 000	420,0
25	Истиклол шох	1,00	2 900	406,0
26	Катортол	1,50	18 500	2 590,0
27	Миробод	1,85	2 600	364,0
28	Катта Хирмонтепа	2,90	22 000	3 080,0
29	Абдулла Кодирий	1,10	20 600	2 884,0
30	Қорасарой	1,60	9 800	1 372,0

31	КХАЙ "Дутор" ресторанидан Қорасарой чоррахасигача етмасдан янги қайрилиб олиш жойини очиш	0,05	400	160,0
32	Кумарик	6,60	8 000	2 600,0
33	КХАЙ	12,00	33 000	4 620,0
34	КХАЙ маҳаллий йўл	0,90	18 000	2 520,0
35	Лутфий	0,50	3 000	420,0
36	Мирзо Улуғбек	1,60	3 600	504,0
37	Муқимий	0,70	3 900	546,0
38	Мустақиллик шох	0,50	3 500	490,0
39	Мухаммад Юсуф	0,50	900	126,0
40	Назарбек	0,65	7 000	980,0
41	Нукус	0,90	2 000	280,0
42	Оққурғон	1,50	3 200	448,0
43	Олмазор	1,10	28 000	3 920,0
44	Олтин тепа	3,30	10 100	1 414,0
45	Осиё	2,50	6 300	882,0
46	Паркент	1,80	15 500	2 170,0
47	Содиқ Азимов	1,20	10 800	1 512,0
48	Сағбон	0,70	3 200	448,0
49	Тарас Шевченко	2,00	4 100	574,0
50	Махтумқули	3,00	29 000	4 060,0
51	Ислом Каримов	0,60	3 800	532,0
52	Кўкча Дарвоза	1,90	7 800	1 092,0
53	Фаробий	4,20	11 000	1 540,0
54	Фарход	2,80	7 000	980,0
55	Фурқат	2,50	19 000	2 660,0
56	Чилонзор	1,50	25 500	3 570,0
57	Чўпон ота	0,50	2 500	350,0
58	Чоштепа	1,10	3 900	546,0
59	Шароф Рашидов	1,20	18 000	2 520,0
60	Шота Руставели	3,20	22 000	3 080,0
61	Лабзак	2,30	11 200	1 568,0
62	Шастри	0,45	11 000	1 540,0
63	Шахрисабз	3,30	27 800	3 892,0
64	Ширин	0,60	2 600	364,0
65	Янги Сергели	5,40	7 000	2 420,0
66	Нурафшон	3,20	16 000	2 240,0
67	Дўрмон йули ва Буюк Ипак Йўли кўчалари кесишмасидаги тоннелнинг қанотлари	0,70	9 400	1 316,0
68	Бунёдкор шох ва И.Каримов кўчалари кесишмасидаги транспорт тоннели	0,94	26 000	3 640,0

69	Хадра майдони, Фурқат, Зарқайнар ва Навоий кўчалари кесишмасидаги транспорт тоннели	0,31	2 500	350,0
70	Кўкча Дарвоза ва КХАЙ кўчалари кесишмасидаги транспорт тоннели	0,70	1 130	158,2
71	Муқимий ва Ш.Руставели кўчалари кесишмасидаги йўл ўтказгич	0,23	1 500	210,0
72	Туркистон майдони		2 300	322,0
73	Халқлар дўстлиги майдони		3 000	420,0
74	Консерватория майдони		2 200	308,0
75	Миллий боғ майдони		2 900	406,0
	Экспертиза ва бошқа харажатлар учун			950,0

Изох * Амалга ошириладиган ишларнинг ҳажми ва қийматига лойиҳа-смета ҳужжатлари тасдиқлангандан сўнг аниқлик киритилади